



Унинг ҳонасида ўтириб, ногоҳон телевизор устида турган темир кружкага кўзим тушди. Ҳайрон қолдим. Минг бир истиҳола билан таажжубимни унга билдирдим. Шукрулло ака сени кўлди.


— Милиция бошлиғига тузукроқ пиёла топилабди, деб ўйладимизми! Бунинг бошқа сабаби бор. Одамзотни хом сут эмган банд, деб бежиз айтишмайди. Баъзан шу кружкага қараб, ўтган кунларим эсга тушади. «Шукр, бир пайтлар бир кишилик камерада ўтирганимда, шундан совуқ сув ичгансан, ҳаволаиб кетма», — дейман ўзимга-ўзим...

Табийки, суҳбатимиз мавзук ўша кунларга бориб тақалди.

1986 йил январь ойида Қўқон шаҳар ИИБ БХСС ходимлари шу бўлима бошлиғи милиция катта лейтенанти Шукрулло Рўзमतов раҳбарлигида анча мураккаб ишга кўл уришди. Пайпоқ тўқув фабрикасида 150 минг сўмлик маблағ талон-тарож қилинган эди. Текширишлар давомида бу ишда экспедитор бўлиб ишловчи Мухсин Эминов ҳиссаси катта эканлиги аён бўлди. У ҳибсга олиниб, иши судга оширилди.

Айниқса, Шукруллонинг кайфи чоғ эди. Чунки Мухсин Эминов 1983 йилда ҳам давлат мулкисини талон-тарож қилганликда айбланган, бу сафар иккинчи марта қора курсига ўтириши лозим эди. Шу борада у корхонанинг 150 минг сўм пулини жойига қайтармоқчи бўлган эди. Афсуски, керак бўлса, дарёни тескари оқизмига уринадиганлар бор экан. Фалакнинг нотантилигини қарангки, ўғри бир четда қолиб, Рўзमतовнинг «порахўрлигини» ўрганишга киришиб кетишди. Бунга Эминовнинг БХСС бошлиғига 6 минг сўм берганман, деган ёлгон кўрсатмаси асос бўлди. Кунда, кунора уни сўроқ қилишар, бошқача қилиб айтганда, тирноқ остидан кир ахтаришарди. Бу каби асоссиз савол-жавоблар унинг тинчасини қуритар, лекин тишини тишга қўйиб чидарди. Бошқаларга сир бой бергиси келмасди. Ҳақиқат эгилди, бунга қилади, лекин синамайди, деб ўйларди у. Лекин Рўзमतовнинг тағига сув кетганлиги ҳақидаги миш-мишлар кечганина дўстман, деб кўкрагига урганларни ҳуритиб юборди. Кўпларнинг муносабатидан самимият вриб, ясама-

## ҲАҚИҚАТНИ КЎМИБ БЎЛМАЙДИ



Милиция майори Шукрулло Рўзमतовни Қўқон шаҳар ИИБ бошлиғи, қолаверса, вилоят Кенгашининг ноиб сифатида кўпчиликл яхши танийди. Лекин унинг ўтган яқин йиллар ичида не кўргиликларни бошдан кечирганлиги ҳаммага ҳам маълум эмас.

лик пайдо бўлган, баъзилар эса ошқора пичинг қилишга ҳам журъат этишарди.

Орадан ойлар ўтди. 26 апрель кўни у вилоят ички ишлар бошқармасига мажлисга борди. Формада эди. Лекин шу кўни уйига қайтиб келиш насиб қилмади. Маълум бўлишича, вилоят прокурорининг ўринбосари Владимир Галкин уни қамоққа олишга санкция берган экан. Турмада тўлиқ бир ой ушлаб туришди. Кейин ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўл, Тошкент қамоқхонасига олиб келишди. Яна бир ой давомида сўроқдан боши чиқмади.

— Фарғона вилоят прокуратураси терговчиси Феликс Рудельман мен билан қаттиқ «шугулланди», — деб хотирлайди у гапни тортди. — Қамоққа олингунимча, аттиг олти ой БХСС бошлиғи бўлиб ишлаган эдим. Уртоқ Рудельман шунга «гайрат» билан ишга киришиб кетдики, ўша олти ойлик фаоллигининг ҳар бир кунини текшириб кўрди. Бирор айб тополмади.

Отаним Абдуқодир деб айтишарди. У милицияда 34 йил хизмат қилиб, капитан унвони билан нафақага чиққан ва 1983 йилда вафот эт-

ганди. Биз уч ака-ука бир бўлиб, унинг қабрига 1 минг 200 сўмлик ёдгорлик тоши кўйдиргандик. Терговчи ўша пулни қабдан олганим билан қизқиб, ёдгорлик тоши суратини ҳам жинсий ишга қўшиб қўйган экан.

Милиция генерал-майори Ғулом Зокиров ҳақида эшитган бўлсангиз керак! Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаган ва 1980 йилда вафот этганди. Уша киши менинг амаким бўлишарди. Қарангки, жиноят ишим бўйича тўпланган ҳужжатлар орасида унинг ҳам суратини кўрдим.

Суҳбатдошим сўзларидан шу нарсани ҳис қилдимки, бу тергов эмас, гуноҳсиз одамни мажбурлаб чоғга туширишга уриниш эди. Афтидан, бунга «қилим қирқ бршига чоғланган» Ф. Рудельманнинг ўзи ҳам тушунар, лекин қай йўл билан бўлмасин, ўзини кўрсатиши керак эди. Шунинг учун ўзининг қабих инъитидан, гарчи у виждонга эид бўлсада, воз кечини хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳаттоки, у Қўқон шаҳар партия ва жумҳурия кўмиталари, вилоят ИИБ раҳбарларига бирор нарса совға қилганман, деб кўрсатма беришини талаб

қилди. Шу тақдирдагина озодликка чиқаришини қайта-қайта тақорлади. Лекин Рўзमतов бир гапни маҳкам ушлаб олди: «Мен ҳеч кимга пора бермаганман ва олмаганман!»

Октябрь ойида Фарғона вилоят суди В. Саприкин раислигида бу ишни кўриб чиқди ва Шукрулло Рўзमतовни 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Шукрулло ака бир неча сония жим қолди. Яна телевизор устидаги кружкадан кўз узмасди.

— Биласизми, — унинг овози факултетада титраб кетди, — ҳалқимизда ўт, сув ва туҳмат балосидан асрасим, деган гап бор. Лекин ноҳақ туҳматга қолдим деб, тақдирга тан бериш ҳам эркак кишига ярашмайди. Шуларни, уйда қолган кекса онамини, турмуш ўртоғиму икки нафар фарзандимни ўйлаб, ЎзССЖ Олий судига норозилик мектуби жўнатдим. У ерда бу масала ўрганиб чиқилди ва ҳукм бекор қилиниб, қайтадан терговга юборилди.

Қилдан қийиқ ясамоқчи бўлганлар жон-жаҳди билан бирор нарса чиқаришга интипишар, Рўзमतов эса интиқорини, зах камерада ўтирган

кўйи ўзининг ҳақ эканлигини исботлашга уринарди. Фарғонада, Наманганда уни бир неча марта суд қилишди, бир неча марта терговга қайтаришди.

Ниҳоят, ССЖИ Олий суди тавсияси билан унинг ишини Қирғизистон Олий суди кўриб чиқди. 1989 йил 14-15 февраль кунлари Уш шаҳрида бўлган мажлисда унинг мутлақо айбисиз эканлиги эътироф этилди. Шукрулло ака яхши эспайди, ўша мажлисга Қирғизистон жумҳурияти Олий суди ҳайъатининг аъзоси Галина Умиталиева раислик қилган эди.

Ишнинг чаппа кетишини олдин хаёлига ҳам келтирмаган муҳолифлар бу гапбадан эсанкираб қолишди. Қирғизистон Олий судига, кейин унинг президиумига, ҳатто пленумига норозилик билдиришди. Лекин суд ҳукми кучда қолдирилди. Кейин улар йиқилган курашга тўймас, деганларидек, ССЖИ Олий суди пленумига шикоят қилишди. Бу сафар ҳам ҳеч нарса ўзгармади, уларнинг даъволари асоссиз топилди. Ниҳоят, икки йиллик азобдан қутилган Шукрулло ака уйига кўзларида севинч ёшлари билан кириб борди, мунис оназорини, фарзандларини бағрига босди:

— Бўлди, дунёда ҳақиқат бор экан, азизларим, адолат бор экан!!!

10 июнь кўни эса у аввалги лавозимига қайта тикланди. ИИБ БХСС бошлиғи хонасига кириб, қадрдон столига ўтирди.

— Шукрулло ака, икки йиллик ҳибс иродангизни буколмабди, мана энди ИИБ бошлиғи бўлиб ўтирибсиз, — дейман.

У эса бошини қимирлатди. — Тўғри айтасиз, иродани буколмади. Лекин солиққа озгина путур етди. Обқ оғригига дучор бўлганман, кейин ўқтин-ўқтин юрагим сиқилади. Ҳа, майли, шунингига ҳам шукр.

— Уша даврлар сизга бирор сабоқ бердимми!

— Албатта. Сиз билан биз ҳуқуқ-тартибот қўриқчиларимиз. Қўлимизга ахши ҳам, ёмон ҳам тушади. Уларни бир-бирдан ажрата билишни ўргандим. Агар ҳузуримга бирор кишини олиб киришса, хулоса чиқаришга ошиқмайман. Қанча овор бўлсак ҳам, уни чуқур ўрганишга интиламан. Бошқалардан ҳам шуни талаб қиламан. Чунки ҳақиқат худди нурга ўхшайди. Уни ҳеч қанақа йўл билан йўқ қилиб бўлмайди. Раҳмон АЛИ.

## Ҳамён топилди, эгаси ким?

Ҳаромдан ҳазар қилиш одамлар қалбидан бағамом йўқолиб кетган деганлар янглишади. Мана бир мисол.

Хизмат юзасидан Акмал Икромов туманига борган эдим, мени ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция катта лейтенанти С. Искандаров илиқ қарши олди. У ёқ бу ёқдан гаплашар эканмиз, у ярим соатлар олдин бир мўйсафид келганини айтди.

— Фарҳод бозори ёнидаги бекатдан ҳамён то-

У шундай дея ҳамёнини стол устига қўйди. Кўзларимга ишонмадим. Ахир, бировнинг чўнтагидагини ўғирлаш ёки оғзидаги луқмасини ҳам тортиб олиш уят ҳисобланмай қолган бу замонда топиб олганини қиссасига солиб кетиш ўрнига уни эгасига қайтаришларини илтимос қилиб, милицияга мурожаат этишса-я!

Агар чолнинг ўрнида бошқа бўлгандами...

Аммо кекса одам ҳалолликни афзал билди. Ҳамён кимники экан? Эҳтимол, шаҳримизга ташир буюрган меҳмонниқидир ёки фарзандлари учун мева-чева харид қилгани келган бирор кимсаниқидир? Нима бўлганда ҳам ҳамёнини йўқотган киши Тошкент шаҳар Акмал Икромов

## Қайдасан, маош пули?

Бугун ҳар қачонгидан ҳам маош пули интизорлик билан кўтилаётганини кўриш мумкин. Лекин...

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 2-болалар боғчасига ярим тунда кирган киши ҳисобчилар хонасини мўлжалга олди. Мос қалитини топиб, темир қўтини олдидан олиб, 40 минг маош пулини...

# ЁШЛИК—ЖАСОРАТГА ИНТИЛИШ

(НОЗИМ ҲИКМАТ)

## ЭРТАГА—СОВЕТ ЁШЛАРИ КУНИ



Мусурмон Азиев қўшни Афғонистон тупроғида байналмилаллик бурчини ўтаб қайтгач, ўз ўрнини милицияда деб билди. Шундай қарор қабул қилганига ҳам олти йил бўлибди. Милиция лейтенанти Мусурмон Азиев ҳозир Қарши шаҳар ички ишлар бўлимида участка вакили сифатида хизмат қилмоқда. У бирктилган участ-

касида ҳуқуқ-тартибот бузилишлари олдини олиш борасида алоҳида ғайрат кўрсатиб, кўпчилик эътиборини қозонмоқда. Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими пост-патрул хизмати милиционери Серикбой Жуманов жамоат тартибини сақлаш борасидаги тажрибаларини ёш ҳамкасбларига ўргатиб келмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** милиция лейтенанти Мусурмон Азиев фуқаролардан Бўрон Раҳманов ва Шомат Тоштемировлар билан суҳбатда; милиция сержанти Серикбой Жуманов ёш ходим Владимир Куречкин билан хизмат пайтида.

Ҳабибулла ШОДНОВ олган суратлар.

Жумҳурият ички ишлар вазирлигида 410 нафар комсомол-ёшлар меҳнат қилишади. Улар тергов, жиноят қидирув, ДАН, соқчилик, жамоат тартибини сақлаш каби бошқармаларда хизмат бурчларини ўтаб, жиноятчиликка, ҳуқуқ-тартиботнинг бузилишига қарши олиб борилаётган курашга ўз ҳиссаларини қўшишмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги ўз олди-га қўйилган вазифаларга масъулият билан ёндашиб, халқнинг оғзига тушишга, аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор қозонишга улгуришган ёшлардир.

### Қаерда бўлишмасин...

Улардан бири байналмилалчи-жангчи Комил Бозорбоевдир. У 1986 йили Тошкент давлат дорилфунунини муваффақиятли тугатгач, бир йилдан сўнг ёш мутахассис Афғонистон жумҳуриятига хизматга юборилди. Афғон тупроғида кўрсатган жасорати ва матонати учун «Қизил Юлдуз» ордени, қатор нишонлар билан тақдирланди. Юртига қайтгач, халқ осойишталиги йўлида хизмат қилишга бел боғлади.

Ҳозирги кунда ИИБ жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг инспектори милиция катта лейтенанти К. Бозорбоев ички ишларда меҳнат қилиш билан бирга шахримизнинг Фрунзе туманида ёшларни тарбиялаш борасида муносиб ишларни амалга оширмоқда.

**Фарҳод КАРИМОВ,** Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазирлиги комсомол ташкилоти котиби милиция катта лейтенанти.

У ораларидан қил ўтмай-диган дўстининг уйига бир оз гурунглашиб, ҳордик чиқариш ниятида борганди. Қичкина ўғилчасидан бошқа ҳеч ким йўқ экан, болакай ҳам ўзи яхши танийдиган амакисини уйда ёлғиз қолдириб, кўчага ўйнагани чиқиб кетди.

Шавкат Амиров нима қиларини билмади. Телевизорни қўйди. Қизиқ кўрсатувларга маҳлиё бўлиб ўтирган эди, эшик кўнғироғи жинглиб қолди. Эшикни очди-ю, оstonада кўзлари ваҳшиёна тус олган икки кимсани кўрди. Улар гап-сўзсиз Шавкатни туртиб ичкарига киришди. Биринчидан қирқма милтик чиқариб, Шавкатга тўғрилади. Бирданга эъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетган Шавкат итоат этиш уларнинг ёвуз чангалдан омон қолишини бирдан-бир йўли эканлигини ҳис қилди. Қўл-оёғини боғлаб, полга ётқизётганларида ҳам миқ этмади. Уғрилар эса шошилиб уйни ағдар-тўнтар қилиб юборишди. Шу пайт уларнинг ҳаракатларини сўзсиз кузатиб ётган Шавкатнинг хаёлидан кейин мени

### Учинчи

### ҳуқм

ўлдириб кетишса-чи, деган фикр ўтди. Чақмоқ ургандек титраб кетди. Жон ҳолатда оёқ-қўлини қимирлата бошлади. Оёғи чилвирдан озод бўлди. Мўмай ўлжа ишқиде хоналарни титкилаётган ўғрилар бунини сезишмади. У эса минг бир таваккал билан деразага яқинлашди-ю, тўртинчи қаavatдан пастга сакради.

Бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган ўғрилар бир-бирларига қараб олишгач, вақтни бой бермай, магнитофон ва қимматбаҳо курткани қўлтиқлаб, ўзларини ташқарига отдилар.

Воқеадан хабар топган қўшниллар зудлик билан милицияга ва «Тез ёрдамга» кўнғироқ қилишди.

Тошкентдаги шахри азияда тумонат одамлар ичидан жиноятчиларни қидириб топши бир қоп сомон ичидан нинга қидиришдек гап. Лекин Акмал Икромов тумани ИИБ ЖҚБ бошлиғи милиция капитани Нурилло Дадабоев ҳамда оператив катта вакил милиция подполковниги Анвар Саидовлар тажрибаси қўл келди. Улар воқеага гувоҳ бўлган кишилар фикри бўйича жиноятчилардан бирини қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Эндигина 26 ёшга кирган бўлса-да, муқаддам икки марта судланиб, тиканли сим ортидаги завқсиз ҳаётни кўрган Д. Хожибоев хонадонини тинтув қилинганде кўкнори, наша ва никита автомашинанинг парчаланган эҳтиёт қисмлари топилди.

Яқин кунларда суд унинг устидан учинчи ҳукмини ўқийди.

Ш. САМИЕВ.

### қўлбола дўкон

Текин даромад орттириш иштиёқи Умида С.ни Тожикистон ССЖ Ленинобод шаҳрига етаклади. У ердан жами 751 сўму 55 тийинлик болалар кийим-кечақларини харид қилиб орқасига қайтди. Бироқ сотиб олинган уст-бошини беш нафар фарзандининг ҳеч бирига раво кўрмади.

Ўзи яшаб турган Киров туманида жойлашган мотик фабрикаси ёнидаги бозорча ёнида «қўл бола» дўконча очди-ю, савдони қизитиб юборди.

Ҳайрият Фаргона вилояти Кенгаши, ноиб А. Зубанов, Бешариқ шаҳар Кенгаши ноиб М. Ниёзов ва маҳалла аҳли унинг жонига оро киришди. Суд жазони енгиллатиш ҳақидаги уларнинг илтимосномаларини ҳисобга олиб, Умида С.ни 3 йилга озодликдан маҳрум қилиб, жазо ўташ муддатини 2 йилга кечик-

Халқ депутатлари Каттақўрғон тумани Кенгаши ижроия қўмитаси ўзининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида ЎзССЖнинг «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қонуни ба-жарилиши бўйича Каттақўрғон тумани ички ишлар бўлимида олиб борилаётган ишлар ҳақида, райижроқўм ва унинг бўлимлари олдида турган вазифалар тўғрисида»ги масалани муҳокама этиб, тегишли қарор қабул қилди.

Қарорда таъкидланадиги, халқ депутатлари Каттақўрғон тумани Кенгаши ижроқўми ва унинг қўли ташкилотлари ЎзССЖнинг «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги, «ЎзССЖнинг жиноят мажмуасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ва «Совет милицияси тўғрисида»ги ССЖИ

### Алоқа мустаҳкамланмоқда

ишларни амалга оширмоқдалар.

Ана шу қонуларда олға сурилган талаблардан келиб чиқиб, Каттақўрғон тумани ички ишлар бўлимига амалий ёрдам кўрсатиш ишлари яхшиланмоқда. 1990-1991 йилларда жамоа, давлат хўжаликлари, ташкилотлар ҳисобидан 25 штат учун маблағ ажратиб берилди. Бундан ташқари 1990 йилнинг ўзида тўрт нафар милиция ходими уй-жой, енгил автомашина ва кажавали мотоцикллар билан таъминланди. Яна тартибда уй-жой қуриш истагини билдирган милиция ходимларига ер майдони, қарз ҳамда қурилиш материаллари ажратилди.

Шунингдек, аҳоли осойишталигини таъминлашни янада кучайтириш учун участка вакилларига барча қулайликларга эга бўлган кабинетлар ажратилиб, телефонлашти-

расини бермоқда. Масалан, 1990 йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида жиноят содир этиш 63 тага камайди. 1990 йилнинг тўрт ойида содир этилган жиноятларнинг 27 таси очилмаган бўлса, 1991 йилнинг тўрт ойи ичида 12 жиноят очилмай қолиб, бу борадаги иш изчил давом эттирилмоқда.

Эришилган бу муваффақиятлар милиция ходимларининг кенг жамоатчилиги, хўжалик, ташкилот, муассаса, қўрғон, қишлоқ Шўролари билан алоқани мустаҳкамлаб, ҳамжиҳатлик билан иш олиб бораётганликлари маҳсулдир.

Ижроқўм қабул қилган қарорда келгусида ҳам милиция ходимларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш қайд қилинган.

Ғайратжон ШУКУРОВ, Каттақўрғондаги «За-

# ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 89-модданинг 5-қисмидаги «ва давлат ҳакамлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 102-модданинг 9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9) Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раисини, Ўзбекистон ССР Олий суди, область ва Тошкент шаҳар судларини, Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раисини сайлайди. Ўзбекистон ССР Табиати муҳофаза қилиш давлат комитетининг раисини, Ўзбекистон ССР давлат банки бошқарувининг раисини тайинлайди»;

20-банди чиқариб ташлансин.

3. 105-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети навбатдаги сессияларга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан бир йилда камида уч марта чақирилади.

Навбатдан ташқари сессиялар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўз ташаббуси билан ёки Ўзбекистон ССР Президенти, Қорақалпоғистон АССР давлат ҳокимияти олий органининг ё бўлмаса Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг камида учдан бир қисмининг таклифи мувофиқ чақирилади».

4. 106-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи мажлиса сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай олдинги чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан чақирилади».

5. 107-моддада:

Биринчи қисмидаги «Ўзбекистон ССР бош давлат ҳаками» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳам қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқига эга».

6. 110-модданинг учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарорларини имзолайди ва фармойишлар чиқаради».

7. 116-модданинг 1-қисми 5-бандидаги «Ўзбекистон ССР бош давлат ҳаками» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 118—4-моддада:

6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий суди раиси, Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раиси, Ўзбекистон ССР прокурори ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР Табиати муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР давлат банки бошқарувининг раиси лавозимига номзодлар тақдим этади; Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси ва Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раисидан ташқари юқорида санаб ўтилган мансабдор шахсларни вазифасидан озод этиш ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдимномалар билан кирди»;

7-банди қуйидаги мазмунда бўлган хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раисининг тақдимномасига кура, Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раисининг ўринбосарларини, область ҳакамлик судларининг раисларини тайинлайди ва озод этади».

11-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. Ўзбекистон ССР гражданлигига қабул қилади, бошпана бериш тўғрисидаги масалани ҳал этади; Ўзбекистон ССР судлари томонидан ҳукм қилинган граждандарга амнистия бериш ва уларни авф этиш тўғрисида ҳужжатлар қабул қилади».

9. IX бўлим ва 20-бобнинг сарлавҳасидаги «ҳакамлик» деган сўзлар «ҳакамлик суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 120-модда қуйидаги мазмунда бўлган учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Олтмиш ёшдан ошмаган

гражданлар Ўзбекистон ССР ҳукуматининг аъзоси бўлиши мумкин. Айнан бир киши, айнан бир лавозимда сурункасига икки мuddатдан ортиқ Ўзбекистон ССР ҳукуматининг аъзоси бўла олмайди. Ўзбекистон ССР ҳукуматининг аъзоси— олтмиш беш ёшдан катта бўлмаслиги керак».

Ушбу модданинг амалдаги учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишлича тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

11. 174-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасидаги хўжалик низоларини ҳал этиш Ўзбекистон ССР ҳакамлик судлари томонидан уларнинг ваколат доирасида амалга оширилади.

Ҳакамлик судларининг низоларни ҳал этишга доир фаолиятига бирорта идора, ташкилот ёки мансабдор шахсининг аралашувиға йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан ўн йил мuddатга сайланади.

Қорақалпоғистон АССР ҳакамлик судининг раисини Ўзбекистон ССР Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси киритган тақдимномаға биноан Қорақалпоғистон АССР Олий Совети сайлайди.

Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раисининг ўринбосарлари, область ҳакамлик судларининг раислари Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раисининг тақдимномасига кура Ўзбекистон ССР Президенти томонидан тайинланади.

Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг ҳакамлари, область ҳакамлик судлари раисларининг ўринбосарлари ва ҳакамлари Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси томонидан тайинланади.

Ўзбекистон ССР ҳакамлик судларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларида белгиланади».

### Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 14 июнь.

### СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

#### «СССР БҮЙДОҚЛАРИГА, ЕЛҒИЗ ВА КАМ ЖОН ОИЛАЛИ ФУҚАРОЛАРИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Кенгаши қарор қилади: «СССР буйдоқларига, елғиз ва кам жон оилали фуқароларига солинадиган солиқни босқичма-босқич бекор қилиш тўғрисида»ги 1990 йил 23 апрель СССР қонунига (СССР халқ депутатлари съездининг ва СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1990 йил, 19-сон, 322-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 1-моддадаги «1990 йил 1 июндан» сўзлари «1991 йил 1 апрелдан» сўзлари билан алмаштирилсин, «100 сўмдан ошмайдиган» сўзлари эса «160 сўмдан ошмайдиган» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 2-моддада: Биринчи абзацдаги «1990 йил 1 июндан» сўзлари «1991 йил 1 апрелдан» сўзлари билан алмаштирилсин, «101 сўмдан 150 сўмгача» сўзлари эса «161 сўм ва ундан ортиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

Солиқ стависини мадвали қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Облик даромад миқдори	Солиқ миқдори
161 сўмдан 200 сўмгача	160 сўмдан ошадиган миқдордан 5 фоз
201 сўм ва ундан ортиқ	2 сўм плус 200 сўмдан ошадиган миқдордан 6 фоз

Модде қуйидаги мазмунда иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«СССР фуқароларининг асосий иш жойидан ташқари жойда олган даромадларидан, шунингдек меҳнат вази-фаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган даромадларини солиқ даромад миқдорининг 6 фозини миқдорда ундириб олинади».

3. Қонун қуйидаги мазмундаги 6-модда билан тўлдирилсин:

«6-модда. Чернобиль фалокати оқибатида азият чеқкан қуйидаги фуқаролардан, шунингдек азият чеқкан аёлларнинг эрларидан СССР буйдоқларига, елғиз ва кам жон оилали фуқароларига солинадиган солиқни ундириш бекор қилинсин:

а) Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатида дардга чалинган ва нур кесалигига учраган фуқаролардан, шунингдек ногиронлиги Чернобиль фалокати билан боғлиқлиги аниқланган III гуруҳ ногиронларидан, шу жумладан:

Чернобиль атом электр станцияси атрофидаги зона доирасида фалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ёки мазкур станцияни ишлатишга ёҳуд бошқа ишларда банд бўлган (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат юзасидан борган) шахслардан;

Атом электр станцияси атрофидаги зонада хизматни ўтаган, ўтайётган, ички ишлар идораларининг бошлиқлари ва оддий ходимлари бўлган шахслардан;

СССР Куролли Кучларида, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг қўшинлари ва идораларида, Ички ва темир йўл қўшинларида ҳамда бошқа ҳарбий тузилмаларда хизмат

да бўлган ва мазкур фалокат оқибатларини тугатиш билан боғлиқ бўлган ҳарбий хизматчилар — офицерлар, прапорщиклар, мишманлардан, мuddатдан ортиқча хизматдаги ҳарбий хизматчилардан, сержант ва оддий таркибдаги ҳарбий хизматчи бўлган аёллардан, шунингдек мазкур станция атрофидаги зонада ишларни бажариш учун махсус чақирилган ва жалб этилган ҳарбий мажбуurlардан;

Фалокат атрофидаги зонадан 1986 йилда кўчирилган (ихтиёрий равишда кўчиб кетган), шунингдек бошқа жойга кўчирилганлар зонасида ва бошқа жойга кўчиш ҳуқуқи билан шу зонада 1986 йил 26 апрелдан бошлаб яшаётган (яшаган) шахслардан;

б) Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатиш ишларида станция теварагидаги зона доирасида 1986—1987 йилларда қатнашган ёки шу даврда Чернобиль атом электр станциясини ишлатишда ёҳуд ундаги бошқа ишларда банд бўлган шахслардан (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига борганлардан);

в) Ушбу модданинги «а» ички банди тўртинчи абзацда кўрсатилган ҳарбий хизматчилардан ҳамда 1986—1987 йилларда ушбу фалокат оқибатларини тугатиш билан боғлиқ бўлган ишларга махсус чақирилган ва жалб этилган ҳарбий мажбуurlардан, қаерда жойлашишидан ҳамда бажарилган ишдан қатъи назар;

г) 1986—1987 йилларда станция атрофидаги зонада хизматни ўтаган ички ишлар идораларининг бошлиқлари ва оддий ходимлари бўлган шахслардан».

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти Москва, Кремль, 1991 йил 11 июнь.

**М. ГОРБАЧЕВ.**



Хонқа тумани ички ишлар бўлимида муҳим тадбир ўтказиш олдида оператив вакиллар ва терговчилар бафуржа маслаҳатлашиб оладилар. ИИБ БХСС оператив вакили милиция лейтенанти Бенчон Сапаев ва жиноят қидирув катта оператив вакили милиция майори Абдурахим Жуманиёзовлар ҳамкорликда қатор жиноятларни очибди.

## САҚИЧ ИШҚИБОЗЛАРИ

Тунги сайрни кўнгли тусаб қолган Вали оғайнилари Зафар, Рустам ва Баҳодир билан кўчага чиқди. Соат миллари 24 дан ошганлиги учун чор-атрофда ҳеч зор кўринмасди. Бозор ёнидан ўтиб боришайтганда кимдир ўртага таклиф ташлади.

— Уғирлик қилмаймизми? Барибир ҳеч ким кўринмайптику?

— Нимани ўғирлаймиз! — сўради Зафар.

— Манави газсув дўкончасининг эшигини бемалол очса бўлади.

Шундан кейин улфатлар эшикни бузиб, ичкарига жон

ришди. 184 сўм пул, 100 сўмлик резина сақичлар, 100 сўмлик ванелин ва шарбат солиб қўйилган шашаидини олишгач, хилват жой томон йўл олдилар. У ерда ўғирланган молларни бўлишди. Тонг отгандан сўнг эса бошқа бир дўкончага бориб, сақичлару ванелинни пулладилар.

Қилғилликларини милиция ходимлари очишини сезган Вали Тўлқинова уйдагиларга техникумга ўқишга кирмоқчиман, деб айтди. Тошкентга қараб жўнади. Оғайнлари қўлга тушганини эшитгач, баттар кўрқувга

тушиб, яшириниб юрaverди. Аммо милиция ходимлари ундан ҳам уста эдилар.

Вали-ку жазосини олди. Лекин мени бошқа бир нарса қийнайд. Ҳозир деярли ҳамма ўсмирларнинг ҳатти-ҳаракати ёмонлашиб кетганлигини ачиниб гапирмоқда. Афсуслик, шундай бўлсада, кўпчилик ота-оналар фарзандларини назоратсиз қолдирмоқдалар. Уларнинг қаерларда, қачонгача тентираб юришлари билан қизиқмайдилар. Охир-оқибат эса боласининг ёшлиги учун гуноҳдан ўтишларини сўраб, турли ташкилотларга югурдилар. Бу пайт кеч бўлади.

АБДУСАТТОР СОДИҚОВ

# Талваса

РАСМАРИИ Э. РАХМАТОВ ЧИЗГАН

Машинанинг одам дилига гулу соладиган ёқимсиз, чириллаган овози бутун бошли кўчани тўлдириб юборди. Алланарса «тап» этди. Ут-кинчилар нигоҳи ўша томонга тушганида, ерда чўзилиб ётган кизни, ундан бир-икки метрлар нарида тўхтаган такси машинасини кўрдилар. Ҳайдовчи отилиб чиқиб кизга яқинлашди-да, даст кўтарганча таксининг орқа ўриндиғига ётибди. Воқеадан огоҳ бўлганлар ҳайдовчига сабр, кизга шифо тилаганларча ўз йўлларидан давом этдилар...

Маратнинг машина чамбараниги тутган қўллари титрарди. Дам-бадам ўгирилиб ортига қарар, қиз ўлиб қолади, деган ўй аъзон баданини совуқ терга ботирганди. Йўл четдаги бетон ус-тунга боши билан урилган қиз хушидан кетган, ниҳоятда чиройли, лекин оқариб кетган лабларининг чеккаси дан қон сизиб, оппоқ ўриндиққа тома бошлаганди.

«Ўлиб қолса-я, бу қандан даҳшат! Мен одам ўлдирган жиноятчи бўламанми? Унда умрим турмада чирийди-ку!» Бу қўрқинчли хаёллар Маратнинг вужудидаги даҳшатга ўт қалагандек таъсир қилди. Бежо кўзлари билан яна қизга қаради. «Одам бўлмайди. Нима қилиш керак? Нима қилиш керак?! Касалхонага олиб борганим билан унинг тирик қолишига ишонч борми? Йўқ, яхшиис йўқотишим керак. Уни йўқотсам, из ҳам ўз-ўзидан йўқолади».

Фургон такси елдек учиб борарди. Орқа ўриндиқда жуда-жуда гузал, аммо буткул нажотсиз бир қиз ётибди. У ёрдамга муҳтож, хали ҳаётдан умиди қатта. Қизнинг ҳалоскорни бўлиши керак бўлган Марат эса тамом талвасага тушган, тобора умидсизлик ботқоғига ботиб борарди.

«Ўзимни қўлга олишим керак, ақл билан иш тутмасам бўлмайди. Қиз ўлади, бу аниқ. Лекин мен яшашга ҳақлиман. Ахир, қасддан уни урганим йўқ-ку? Қасодифан бўлди. Қандай бўлмасин, энди уни йўқотаман. Қизни урганлигимни одамлар кўргани билан ҳеч ким исботлаб бера олмайдми. Фақат машинанинг номерига эътибор бермаган бўлишимда», — ўйларди Марат.

Ойдиннинг тўйи яқин эди. Шунинг учун ҳам Нуржаҳон опа қизи келин-кўевлар магазинига бориб келаман, деганида йўқ демай, унга фақат тезроқ қайтишини тайинлаб, руҳсат берганди.

Негадир Ойдин ҳаяллаб қолди. Вақт пешиндан оққач, онаизор хавотир ола бошлади. Орадан яна анча вақт ўтди ҳамки, Ойдиндан дарак бўлавермади. Нуржаҳон опанинг тинчи йўқолди. Эри ишдан келиши билан арзи дод қилди.

— Ваҳима қилма, хали-замон кеп қолади, — далда

берди Аҳмад ака. — Дадаси, юрагим сезилти. Ойдинга нимадир бўлган, ҳеч бундай кеч қолмасди. Бепарво бўлманг, юринг, излайлик!

«Ростдан ҳам Ойдиннинг кеч қоладиган одати йўқ эди. Нима бўлиши мумкин?» Аҳмад ака ҳавотириги хотинига билдирмаслиқка ҳаракат қилиб, унга далда берарди-ю, ўзи ичидан зил кетмоқда эди.

Атрофни қоронғулик пардаси қоплади. Ойдин эса йўқ. Эр-хотин шаҳар ички ишлар бўлимга йўл олишиди.

Ойдиннинг иши жиноят қидирув бўлимнинг қатта



опервачили Музаффар бошчилигидаги оператив гуруҳга топширилди. Музаффар воқеа тафсилоти билан танишди. Қизнинг сурати тарқатилиб, қидирув бошланди.

Марат машинани тўғри уйига ҳайдади. Чунки бутун уйда ҳеч ким йўқ, хотини бола-чақаси билан ойсининига кетган. Ҳовлига киргач, дарвозани ичидан беркитди. У энди ҳаяжонланмас, шомасди. Агар қўрқоқлик қилса, барча сир ошкор бўлишини билиб қолганди.

Кун қизариб бота бошлади. Қизнинг билинар-билимас нафас олишидан ҳали вужудида ҳаёт асарни сўнмаганлиги кўриниб турарди.

Маратнинг тоқати тоқ бўлди. Унинг вазоҳати ўзгарган, телбанамо ҳис таъсиридан ўзида қатъий бир куч пайдо бўлганлигини сезди. Аммо бу кучнинг ёвузлик кучи, маразлик кучи, ожизанинг устидан қилинаётган ваҳшийлик кучи эканлигини у ўйлаб ҳам кўрмасди. Қизни... бўға бошлади. Ифлос панжалар орасида қолган заифнинг қўл-оёқларини бир-икки қимирлади-ю, тинчиди...

Марат уни машинага ёпадиган брезентга ўради. Кейин таксининг ўрта ўриндиқларини ётиқиб, гайритабиий чўзилиб кетган жасадни ҳансираб-пишиллаб жойлади ва машинани физиллатганча тун қўйига шўғриди.

Шаҳардан чиқишда йўл четда гандиракляб кетаётган кишини кўриб, миясига бир фикр келди. Унга яқинлашиб тўхтади.

— Оғайни, йўл бўлсин? У, кайфият зўрку. Чик, олиб бориб қўяман. Ҳа, яхши. Хўш, ўртоқ, исминг нима? — Латиф.

Қидириш бошланган куннинг эртасига Музаффарга хунук хабар етказишди. Ойдиннинг жасади анҳордан топилиб, касалхоналардан бирига келтирилибди. Катта опервачил суд-тибиёт натижалари билан танишиб чиқди. Қизнинг чап сони ва бикини қорайган, мияси қаттиқ нарсасида урилган. Натижада мияга қон қўйилган. Булар қизнинг ўлимига асосий сабаб бўла олмаслиги мумкин. Чунки Ойдиннинг бўйни ҳам қорайган. Афтидан уни бўғишган бўлса керак. Демак, қиз қийноқ билан, азоб билан жон таслим қилган. Яна бир маълумот: унинг жасадни сувости қидирувчилари топилган. Бор тафсилот шу.

Қотил ким бўлиши мумкин? Қиз нима учун ўлдирилган? Бу тугуннинг учини қандай қилиб топиш керак? Музаффарнинг боши қотди. Лекин жиноятчи шайтонга дарс берадиганчалик айёр бўлмасин, барибир ўзидан из қолдиради. Ҳа энди топиш керак.

У ишчи шу кунги яна кимлар сувга чўкканлигини аниқлашдан бошлади. Ойдин билан бирга анҳордан яна икки киши топилган. Улардан бири талаба бўлиб, ўртоқлари билан рота ичишган, ичкилик оқибати жанжалга улангач, шериклари уни сувга отиб юборишган. Мурда тасодифан қирғоққа чиқиб қолган. Демак, Ойдин билан талабанинги ўлимида ҳеч қанақа алоқа йўқ.

Шу кунги топилганлардан яна бирини анҳорда чўмлаётганлар қутқазилган. Музаффар унинг касаллик варақаси билан танишди. У аввало маст бўлган. Орқа миясида ҳам зарб излари бор. Музаффар у билан суҳбатлашни мўлжаллади.

Йигит ўртоқлари билан улфатчилик қилиб ароқ ичгани, сўнгра уйга қайтишда сувга йиқилиб тушганини айтди. Негадир бошидан жароҳат олганини яширди.

— Сиз яхшилаб эсланг, эҳтимол ўртоқларингиз билан жанжаллашиб, муштлашгандирсиз? — сўради Музаффар.

Йигит ўртоқларининг исмини айтмади. Турғироғи, у умуман ўртоқлари билан улфатчилик қилмаган.

— Сизнинг касаллик варақангизда орқа миянгиз қаттиқ зарбдан, эҳтимол, шиша билан уриш натижасида жароҳатланганлиги қайд этилган. Қайси ўртоқингиз урганни эсларсиз?

(Давоми бор).

# Мирзаназар КАРИМОВ

Бевақт ўлим сафимиздан хушчақчақ, меҳнатсевар, ажойиб инсонни — милиция подполковниги Мирзаназар Каримовни 60 ёшида олиб кетди.

Мирзаназар Каримов 1931 йилда Тошкент вилоятининг Калинин туманида деҳқон оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1956 йили Ўрта Осиё давлат дорилфунунини битиргач, ўқитувчиликдан бошлади. Ички ишлар идораларига хизматга эса 1965 йилда кирди.

Ўтган давр мобайнида йўриқчиликдан иш бошлаб, ЎзССЖ ИИБ ҳузурдаги ўзбек шўро милицияси тарихининг халқ музейи бошлиғи лавозимигача кўтарилди.

1974 йилда жумҳуриятимизнинг ярим асрлик тўйи арафасида ўзбек шўро милицияси музейини ташкил этиш гоёси туғилди. Ва бу бениҳоя масъулиятли вазифа М. Каримовнинг зиммасига юкланди. Унинг жонбозлиги, фидойилиги, йўқни йўндиришдек фаройиб истеъдоди туфайлигина ақл бовар қилмайдиган қисқа фурсатда ўзбек милицияси босиб ўтган йўл ҳақида батафсил ҳикоя қилувчи музей дунёга келди.

М. Каримовнинг ҳаракати билан туғилган биринчи милиция музейида ҳозирда 16 мингдан ортиқ асори-атиқалар мавжуд. Тур-



ли белгилари ўқотар қурошлар, тарихий ҳужжатлар, орден ва нишонлар бу ерда ўз ўрнини толган.

Мирзаназар Каримов сидқидилдан қилган меҳнатлари эвазига иззат-ишромга сазовор бўлди. «Хурмат белгиси» ордени, «Милиция аълочиси» кўкрак нишони, учала даражали «Бенуқсон хизматлари учун» нишони, ССЖИ, ЎзССЖ ИИВнинг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотланди.

Олийжаноб қалб эгаси милиция подполковниги Мирзаназар Каримовнинг хотираси дилмизмазда абадий сақланади. ВАР ГУРУХ УРТОҚЛАРИ.

# Нурга тўлсин

«Табиатан хушчақчақ, истараси иссиқ ва қалб кўрида ёшлик чўғи сўнмаган Мирзаназар ака Каримов олтимиш ёшга қоралаб қўйибди. Сира ишонгани келмайди. Унинг тиниб-тинчимаслиги, елиб-югуришини кўрган киши борки, қирчиллама ёшдаги ўкундай йигит, деб ўйлайди. Бундай фикрланган ҳеч ҳам адашмайдилар.

— Мирзаназарми? — жавобни саволдан бошлади яқин оғайнилари билан бири у ҳақидаги фикрини билмоқчи бўлганимизда. — Боласини танимай қолган Мирзаназарми?!

— Нега ундай деяпсиз? — Э, укам, ишхонада ётиб қолавериб, фарзандлари балоғатга етганини ҳам пайқамабди. Улардан бирини танимасдан кўчага олиб чиқиб қўйган.

... Тўйхатга нукта қўйишдан олдин суратдаги кулгуга мойил чехрални кишига узок тикилаамиз. Назаримизда у ҳеч қачон қаримайдигандай.

Қаламининг жони қаттиқ экан. Кечганина гоҳ ўйноқлаб, гоҳ жиддий тортиб, баъзан эса ҳазил-мутойиба билан битилган шу сатрларни қозога туширганди. Қайтадан тикланган рўзномамизнинг иккинчи сониде [1991 йил 5 январь] 60 ёшни қоралаганига бағишланган тўйхат берилганди. Бугун шу қалам нафақага чиқиб ва бошқа тенгдошлари сингарни қариллик гаштини суриш арафасида турган беғубор инсон вафоти тўғрисида аламу дард билан ёзмоқда.

Бир дунё кулгу эгасининг юрак хуружи туфайли тўсатдан ҳаёт билан видолашганга ақл бовар қилмайди. Икки йилча бурун севимли қизининг умр гули эрта сўнгани унинг қаддини буколмаган, иссиқ истарасига маҳзунлик нуқсини уролмагандай туюларди. Йўқ. Чекаёт-

ган дарди бошқалар елкасига зигирча юк бўлиб тушишини хоҳламаган Мирзаназар ака ўз ёшида ўзи қовурилиб юрган экан.

Икки ўғил, икки қиз, ўлаб набиралар кўзиде нам. Отани ризо этиш, унинг арвоқини шодлаш имони бутининг бурчидир. Мирзаназар ака ўздан нурамас қаср — эл ичиде қозонган ҳурмати қолдирмоқда. Бу муштаташ бинони обод айлаш эса фарзандлари зиммасида.

Яхшидан боғ қолади, дейишади. Боғ бу — эзгулик, саводат, меҳр-муҳаббат тимсоли. Мирзаназар ака номинин улуглайдиган яна бир қадрит бор. У юзакни қараганда камтарона, лекин энди ҳеч ким такоррлай олмайдиган, ўтмишни заррача ҳурматловчи кишилар қадрига етадиган бебаҳо обиде қолдирди. Игна билан қудуқ қазиб, ўзбек шўро милицияси тарихининг музейини яратди. Кимгадир ёлвориб, бошқасига қуллуқ изҳор этиб, уни ажойиб масканга айлантди. Назаримизда музейнинг бир бурчачига: «Музей ташкилотчи-си милиция подполковниги Мирзаназар Каримов», — деган лавҳа ўрнатилган зарур. Зеро, юртимизнинг тилдан тилга ўтган ривоятларидан узун қиш кечаларни эринмай сўйлаётган момоларимиз киб милиция тарихидан мубфассал ҳикоя қилаётган буюмлар, ҳужжатлар, суратлар таассуротига чулганган эиётчилик қаратиларни кераклигини билишимиз. Умрининг сўнгги нафасига саваб иш билан банд бўлган табаррук инсон хотираси бундай эъзога арзийди.

Қабр бошида тумонат одам. Мирзаназар акани қизини қабрининг қибласига қўйишди. Гўрингиз нурга тўлсин! Ғайрат ЖУРА.

Мухаррир Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир, мухаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД УзССР